

1996 йил декабр

— Бахоси эркин нархда



(«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ» ДАН).

**ЎЗА ва республика матбуоти
хабарлари асосида тайёрланди**

Экилмаган дон... кўкармайди

Дастурхон тўкинлиги, рўзгорларнинг ободончилиги нон билан. Бу қадим ҳайхатни ҳамisha охорлаб турмоқ учун меҳнат қилмоқ керак бўлади. Сурхондарёликларнинг таомномасида нон катта ҳарфлар билан битилган бўлса-да, лекин айрим туманлардаги мутасадди раҳбарлар ўзларини билмасликка олишмоқда. Масалан, дейсизми? Масалан, улар ҳеч нарса экилмаган майдонларни «фалон гектар ерга галла экилди», дея ахборот бермоқдалар. Қумқўрғон тумани бундай ёлғон ахборотлар беришга устаси фаранг одамларни борлиги билан яққол кўзга ташланиб туради. Тумандаги 6 та хўжалик экилмаган майдонларни ҳам дон экилди, дея рўйхатга тиркаб, вилоятга ахборот берди. Масалан, тумандаги Ш. Мирзаев номли жамоа хўжалигида бу йил 950 гектар майдонга галла экилиши режалаштирилган эди. Хўжа-

лик раҳбарлари 850 гектарга галла экилди, дея октябр ойи охирида ахборот беришди. Лекин дон сепилган ер ўлчаб кўрилганда... атиги 518 гектарни ташкил қилди. «Қумқўрғон» жамоа хўжалиги эса гарчанд 420 гектарга дон эккан бўлса-да, 700 гектарга экдик деб, маълумот берди. Туман бўйича 8000 гектар майдонга галла экилиши керак бўлгани ҳолда 7422 гектар майдонга экилди, дея раҳбарлар хабар қилишди. Амалда эса бор-йўғи 6439 гектар ерга дон сепилган экан. Қўйини пуч ёнғоққа тўлдириб юрганлар Шеробод, Ангор, Олтинсой туманларида ҳам бор эканлигини айтидаган бўлсак, манзара янада ойдинлашади.

Аввалги йилларнинг ёлғонига ўрганиб, бугун ҳам ёлғон билан юзсини қизартириб юрган деҳқонбозилар 97-йилнинг ёзи, қузига бориб одамларга нима деркинлар?

Махмуд АБУЛҲАЙЗ,
Сурхондарё вилоти

Оббо!

КОМПЬЮТЕР СОВҒА ҚИЛИНДИ

Халқро ноғиронлар куни муносабати билан 100-махсус мактаб-интернатда Республика Болалар жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ва Қизил Ярим Ой жамияти уюштирган «Меҳримиз — фарзандларга» тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар қўмитаси раиси У. Муҳамедова, Республика Болалар жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи Ш. Мавлонова, Собир Раҳимов тумани ҳокими муовини М. Ғанихўжаева иштирок эттишди.

Шу муносабат билан ушбу интернат уйига Ўзметаллсавдо корхонаси бир донга компьютер, Қизил Ярим Ой жамияти 100 донга шапка ва 200 донга енгил оёқ кийими, Тошкент шаҳар болалар жамғармаси эса ширинликлар ҳада этишди.

Интернат болалари тайёрлаган байрам дастури, Республика кўйроқ театрининг намоишлари, болаларга бир олам қувонч улашди.

МАКТАБДАН ТЎҒРИ БАНККА

Илм ва ҳунарни болалиқда эгаллаш қулайдир. Бу даврда ўрганган илм-ҳунар тошга ўйилган нақшдек гап. Вилоят халқ таълими бошқармасининг от миниб узокларни кўзлаган мутахассислари Термиз шаҳридаги 7- ва 2-ўрта мактаблар қошида ихтисослашган банк синфлари ташкил этиб, уларда 50 нафар ўғил-қизнинг ўқишини йўлга қўйишган эди. Компьютерлар билан жиҳозланган синфхоналарда таҳсил олаётган ёшлар бир йўла банк ходимлари бўлиб ҳам етишадилар.

Бундан ташқари вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида биттадан бизнес мактаби ҳам ташкил этилдики, уларда бозор иқтисодида мос келадиган, халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун маънавий мутахассислар тайёрланаёпти.

Ўз мухбиримиз

МАҲАЛЛАНИНГ КЎРКИ АЁЛДИР

«Маҳалла» хайрия жамғармаси Сурхондарё вилоти бўлимининг ташаббуси билан «Энг намунали маҳалла хотин-қизлар кенгаши» кўрик-танлови ўтказилди. Бунда 7 та туман ва шаҳар иштирок этди. Кўрик-танловни ўтказишдан мақсад жойларда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш, миллий урф-одатларни, миллий, маънавий, маърифий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, жамият ҳаётида тadbиркор аёлларнинг ўрнини барқарорлаштириш, оила мустаҳкамлиги, маҳалладаги тозалик, ободончилик, осойишталик каби ларни ойдинлаштириб олиш эди. Хуллас, қизинг беллашувлардан сўнг биринчи ўрин Ангор туманидаги «Гиламбоб» маҳалласи хотин-қизлар кенгаши (раиси Дилором Мирзакаримова)га насиб қилди. Иккинчи ва учинчи ўринларни эса Термиз шаҳридаги «Жўйижангал» маҳалла хотин-қизлар кенгаши (раиси Жамила Қосимова), Қумқўрғон туманидаги «Дўстлик» маҳалла хотин-қизлар кенгаши (раиси Зеби Маллабоева) эгаллади. Голиб кенгашлар пул мукофоти билан тақдирланди.

МЕХРИБОНЛИК ҲАҲТАЛИГИ

Халқро ноғиронлар куни муносабати билан Наманган вилоят ҳокимлиги хотин-қизлар билан ишлаш шўъбаси ҳамда «Соғлом авлод учун», «Болалар», «Наврўз», «Меҳр-шафқат», «Саломатлик», «Маҳалла» хайрия жамғармалари раисларидан иборат «Дилхуш» гуруҳи хайри ишларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан 27 ноябрдан 3 декабргача эълон қилинган «Меҳрибонлик» ҳафталигида «Дилхуш» гуруҳи фаол иштирок этди.

Улар Наманган шаҳри Косонсой туманидаги «Меҳрибонлик уйи»да, вилоятдаги бир қатор шаҳар ва туманларда бўлиб ноғиронлар ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам беришди. Ана шундай оилалардан 100дан зиёд-роғига 160 минг сўмликдан кўпроқ турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечаклар тарқатилди. Бемор ноғиронлар ҳамда яққа-ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олди. 100 нафар ноғиронга 500 сўмдан моддий ёрдам берилди ва байрам дастурхони тузалди.

Озода УСМОНОВА,
вилоят ҳокимлиги хотин-қизлар
билан ишлаш шўъбаси
етакчи мутахассиси

Сурхондарёлик ишбилармон, тadbиркор ва раҳбар хотин-қизларнинг Бойсун туманида ўтган анжумани алоҳида мазмунга эга бўлди. Семинардан кўзланган мақсад халқ миллий ҳунармандчилигини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қаратилди.

Семинарда туман, шаҳар хотин-қизлар қўмиталарининг раислари, тadbиркор ва ишбилармон аёллар, бугунги ҳаётимизда фаол иштирок этаётган уда-бурон хотин-қизлар қатнашди.

Семинар қатнашчилари, аввало, ту-

ман маданият уйида ташкил этилган кўргазма билан танишди. Бу ерда ақл-ий лол қолдирувчи гиламлардан тортиб, темирчи усталар кўлида сайқал ва жилотланган нафис пичокларгача бор эди.

Айниқса, Нодира Равшанова мудирлик қилаётган «Нилуфар» номли 7-болалар боғчаси тарбиячиларининг кўли билан ясалган 60 хилдан ортик кўйроқлар, ўйинчоқлар, нафис сўзана, кашталар қатнашчиларни мафтун этди.

Лайло Ҳасанова директорлик қилаётган «Лайло» хўсусий тикувчилик фирмаси ҳам ўзининг ажойиб ва пишқик буюмлари билан харидорларини топапти. Тadbиркор аёлларга бу нарсаси кўп маъқул тушди. «Тонг юлдузи» хиссадорлик жамияти ҳеч кимга керак бўлмайдиган жунларни йиғиб олиб, линолеумлар тағига ёйиладиган тўшамча ишлаб чиқараёпти. Ҳолбуки, қуя еган, омборхоналарнинг у ер, бу ерида ивирсиб ётган жун ҳар бир хонадонда бор. Корхона одамлари эса ана шу жунларни эринмай йиғадилар ва ундан керакли нарсаси ишлаб чиқарадилар. Нормамат

Қодиоров директорлик қилаётган «Супермаркет» савдо ишлаб чиқариш корхонасининг фаолияти ҳам таҳсинга лойиқ. Хуллас, шу куни семинар қатнашчилари бўлган тadbиркор хотин-қизлар халқ миллий ҳунармандчилиги Бойсунда қандай давом этаётганлигини ўз кўзлари билан кўрдилар.

Куннинг иккинчи ярмида туман ҳокимлигининг мажлислар залида вилоят хотин-қизлар қўмитасининг кенгайтирилган кўча раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Бунда вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоят ҳокими муовини, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Шарофат Норбоева халқ миллий ҳунармандчилигини сақлаб қолиш ва уни ривожлантириш мавзусида маъруза қилди.

Маърузачи таъкидлаганидек, туман маданият уйида ташкил этилган кўргазма билан танишди. Бу ерда ақл-ий лол қолдирувчи гиламлардан тортиб, темирчи усталар кўлида сайқал ва жилотланган нафис пичокларгача бор эди.

шу кунларда Бойсунда 2450 нафар хотин-қиз тadbиркорлик ишлари билан шуғулланмоқда. Халқ миллий ҳунармандчилиги билан эса 600 нафар кўли гул хотин-қиз машғулдир. Корхона, ташкилотлардан 30тасида миллий ҳунармандчилик ишлари амалга оширилмоқда. Бойсунда азал-азалдан каштачилик, жамалак, чопондўзлик ҳунарлари чуқур томир ёйган. Бу ноёб ҳунарларни бойсунликлар бугун ҳам унутганлари йўқ. Йил бошидан бери халқ миллий ҳунармандчилиги билан шуғулланувчилар бир миллион 900 минг сўм даромад кўрдилар.

Раёсат йиғилишида Республика Вазирил Маҳкамасининг хотин-қизлар бўлими йўриқчиси Зулхумор Тўйчиева иштирок этди ҳамда нутқ сўзлади.

Ўз мухбиримиз

Фарғоналиклар ташаббуси

АРҒАМЧИГА ҚИЛ ҚУВВАТ

Кундалик ҳаётимизни китоб, газета-журналларсиз тасаввур қилолмайман. Тўғри, айниқса газета-журналларга обунанархлари «чақиб» олади. Лекин инсон фақат ошқозон ташвишлари билангина яшаса, унинг бошқа мажбуротлардан фарқи қолармики!

Сизнинг газетангиз «туғилгандан бўён» хонадонимизга кириб келарди. Ҳар жума бугун «Оила ва жамият» келади, маза қилиб ўқийман, деган ўйда ишдан қайтаман, ҳар бир саҳифасини мириқиб ўқийман.

«Соғлом авлод учун» Халқро хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг директори сифатида Фарғонанинг у бурчидан бу бурчигача етказиб чиқаман. Гапнинг очиги, маърифатга чанқоқ халқимиз бор. Кўпчилик оилалар илгаридан тўрт-беш хил газета-журналларга обунан бўлиб ўрганишган, лекин ҳозирча бунини чўнтак кўтармаяпти. Айниқса, ҳозирги даврда баъзи оилалар газетига ташна-ю, кўли калта. Худди шуни назарда тутиб, жамғарманинг вилоят бўлими камхарж оилалардан юз нафарини газетангизга бепул обунан қилишни гарданига

олди. Тўғри, бир қараганда оздай кўринади, аммо арғамчига қил қувват дейдилар. Балки бу ташаббусимиз республика бўйлаб қанот ёзар, саҳоватпеша тadbиркорлар, дастиди узун корхоналар раҳбарлари ҳиммати ила аёлланд оилаларга маърифат нурлари кириб келар, иншоолло.

Кези келганда сиз, ҳурматли мухбирларга ўз истакларимни ҳам изҳор қилмоқчиман. Фарзанд тарбияси, айниқса қиз боланинг ота-она, жигарлари билан муносабатига оид, кўча-кўйдаги хулқ-атвориға бағишланган мақолалар кўпроқ бўлсин. «Орамиздаги улўғ инсонлар» деган руқн очиб, айна пайтда ғанимат бўлиб қолган шоирлар, актёрлар, олимлар, аҳли-уламо ҳаётининг шу кунларидан ҳикоя қилсангиз.

Газетангиз кўпчилиكنинг ҳамроҳига айланиб қолади, деб ишонаман.

Нурилло ХУДОЙБЕРГАНОВ,
«Соғлом авлод учун» Халқро хайрия жамғармаси Фарғона вилоят бўлимининг директори

Оламда гап кўп

«Йиғитлар, Қуролалилар!»

Луизиана штатилик криминалист Марвин Скули ўта хавфли жиноятчилар учун махсус қамоқхоналар қуришни таклиф этмоқда. «Бу ерда на қоровуллар ва на бошқа хизматчилар бўлади, — дейди жаноб Скули. — Ёпиқ шаҳарча тарзида бўладиган бу қамоқхонага ташланганларга қурол олиб юришга рухсат бериш керак. Токи, бу қонхўрлар бир-бирларини битта қўймай қириб ташласинлар».

ҒОЙИБ БЎЛГАН ҚИЗ

«Қизбиби» саждагоҳига борганимда ҳамроҳларимиздан бири «Бу муқаддас зиёратгоҳ анча йиллар қум остида қолган» деган гапни қистириб ўтди. Дарвоқе, собиқ шўролар даврида нафақат тарихий обидаларимиз, балки маънавиятимиз, қадриятларимизнида қум босганди, аслида. Бу шундай қум эдики, у ақл кўзларини буткул қоплади, руҳни ғуборларга қўмди. Манкуртлашган авлодни юзага келтирдим.

Бухоролик бўла туриб, шу пайтгача Қизбиби ҳақида ақалли ривоят эшитмаганимга ачинаиб кетдим.

Мутахассислар қумга қўмилган маънавий бойлигимизни топиб, унинг XVI асрга мансуб эканлигини аниқлашди. Баҳовуддин Нақшбандийдек улуғ ҳазратнинг назари тушган бу муқаддас зиёратгоҳ — «Қизбиби» саждагоҳи Бухорои Шарифдаги Жондор туманининг шимолий-ғарбида, марказдан тахминан 17—18 км узоқликда жойлашган. Маҳаллий халқ бу зиёратгоҳни Оғойи Бузрук, Сари Мозор номлари билан ҳам аташган. Ёдгорлик мажмуасида икки томони айвонли катта масжид, ўндан ошиқ хужралар ва шифобахш қудуқ бор. Айтишларича, қудуққа қараб кўнгилдаги тилаклар айтилса, ижобат бўларкан.

Ривоят қилишларича, Қизбиби тарки дунё қилиб, ҳур ўтган экан. Отаси Саид, хўжалар авлодига мансуб, онаси Биби Шарифа эса ўз даврининг аслзодаси бўлган. Халқ орасида турли хил ривоят, ҳикоятлар кезиб юради. Шулардан бири Қизбибига Абдулло Ямани (Мири Араб) совчи юборганлиги ҳақидадир. Ривоят қилинишича, Қизбиби совчиларга рад жавобини бериб, аллақачон Мири Араб-

нинг жони узилганлигини башорат қилади. Афсуски башорат ҳақиқатга айланади. Шунга ўхшаш бир талай мисолларни келтириш мумкин. Аммо биз у ҳақдаги ривоятлар билан чегараланиб турибмиз. Сабаби, Қизбиби ҳақида ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Агар тарихчи олимларимиз у тўғрисидаги ҳақиқатни халққа ойдинлаштириб беришса, баайни савоб иш бўларди.

Айни пайтда «Қизбиби» ансамблида қайта таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Ҳали бу замин қанчадан-қанча сирларни ўз бағрида яшириб ётгандир, дея ўйлайман бу афсункор ёдгорликка қараб.

Ривоятларга қараганда, Қизбибининг бир нобакор жодугарликда айблаб, унинг қалбини жараҳатлаган. Шунда у ғорга киргану, ғойиб бўлган эмиш. Ҳалиги ғофил банд эса ўз айбини ювиш учун унга атаб мақбара, ҳозирги бутун бошли «Қизбиби» ансамблини қурдирган. Қизбибининг мақбарасига, яъни у қириб ғойиб бўлган жойга фақат аёллар ва қизлар кириши мумкин.

Ўйлайманки, Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу аёллар саждагоҳини таъмирлаш ишларига ташкилотлар, жамғармалар имкон қадар ёрдам беришса, эзгу бир ишга бош қўшган бўлардилар.

Алижон САФАРОВ



ҚИЗБИБИНИНГ РУҲЛАРИ ҚЎЛЛАСИН

Республикаимизда бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланаётган бир пайтда аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий муҳофаза қилишга кенг эътибор берилмоқда.

Яқинда Бухоро вилоятида ташкил топган «Қизбиби» хотин-қизлар

хайрия жамғармаси ҳам ўз олдига ана шундай мақсадларни қўйди. Яъни жамғарма кўп болали, камхарж оилаларни, қаровчисини йўқотган бева аёлларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, қолаверса, Бухорои Шарифнинг 2500 йиллиги олдидан кўхна архитектура ёдгорликларини таъмирлаш, Жондор туманида жойлашган «Қизбиби» ансамблини қайта тиклашга кўмаклашиш, хуллас, Қизбибининг муқаддас номлари билан эзгу ишларни амалга ошириш ниятида фаолият кўрсата бошлади.

Даставвал биз жамғарма олдидан турган ишларнинг асосий ўйналишларини белгилаб олдик. Улар қуйидагилардан иборат:

— хотин-қизларга янги иш ўринларини ташкил этиш;

— боқувчисини йўқотган оилаларга хайрия ёрдами кўрсатиш;

— хотин-қизларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш;

— хотин-қизлар иш фаолиятига оид турли тадбирлар, савдо кўرғазмалари ташкил этиш, хориждаги хотин-қизлар ҳаёти билан танишиш ва алоқалар ўрнатиш;

— хотин-қизлар орасидаги ёш ижодкорлар, фан ва маданият ходимларини қўллаб-қувватлаш;

— қишлоқларда аёлларбоп корхоналар очиш, оиладан узилмасдан фойдали меҳнат билан шуғулланишга шaroит яратиш;

— уй шароитида боғчалар ташкил қилиш.

Ҳозирги кунда жамғарма Жондор туманидаги «Қизбиби» тарихий обидасини таъмирлашга яқиндан ёрдам бериб, бу билан боғлиқ ишларни ўз назоратига олган. Шунингдек, туманларда аёллар учун «Қизбиби» номидаги маиший хизмат кўрсатиш салонларини ташкил этиш учун ҳаракат қилаёلمиз. Насиб қилса, муқаддас бувимиз номи билан аталувчи фолклор ансамбилларини тузамиз.

Эзгу ниятлар билан ушбу жамғармани тузган эканмиз, ўйлайманки, Қизбибининг руҳлари бизга мададкор бўлади.

Замира ОЧИЛОВА,
Бухоро вилоят «Қизбиби»
хотин-қизлар хайрия
жамғармаси раиси

ФИДОЙИ ШИФОКОР

Тиббиёт илми республикаимиз фанлари орасида ҳар жиҳатдан тараққий этган соҳа ҳисобланади. Ўзбекистон жаҳон медицинасида етук, малакали, тажрибали мутахассислари билан алоҳида мавқега эга. Медицина фанлари доктори, профессор Жўра Марифбоевич Собиров юртимиздан ташқариларда ҳам танилган, илмий кашфиётлари билан тан олинган олимлардан.

Жўра Собиров илмий фаолиятини 60-йиллар охирида бошлаган. 1968 йили Тошкент Давлат медицина институтини битирганидан кейин Нукус шаҳрида анестезиолог-реаниматолог сифатида амалий фаолиятга киришган ёш олим тез-орада ўзининг меҳнаткашлиги, кунт ва қобилияти билан соҳа мутахассисларининг назарига тушди.

Унинг амалий даволаш ишларини илмий изланишлар ва тиббиётнинг мураккаб тармоғи ҳисобланган анестезиология ва реаниматология бўйича педагогик фаолияти билан бирга қўшиб олиб боргани жуда яхши натижаларга эришишида қўл келди.

1983 йили Жўра Собиров юрак, қон томир хасталиклари билан касалланган беморларга наркоз беришнинг самарали усулларини илмий иш бошлаб, номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Шундан кейин олим тиббиёт илмининг бу тармоғи бўйича чуқур илмий изланишлар олиб бориб, 1990 йили Москвада докторлик ишини ёқлашга муваффақ бўлди.

Олимнинг ҳаётида унинг педагогик фаолияти ҳам мўҳим ўрин тутди. 1989 йилдан бери у тез тиббий ёрдам кафедрасини бошқаради. Ж. Собировнинг фаоллиги, билимдонлиги туфайли бу соҳадаги ишлар жуда яхши йўлга қўйилган. Унинг саяёҳаракати билан биринчи марта тез тиббий ёрдам шифокорларининг малакасини

оширишга эришилди. Иш яхши йўлга қўйилгани боис бу кафедра республика шифокорлари орасида катта эътибор қозонди.

Моҳир шифокор ва етук мутахассис Ж. Собиров 1982 йилдан бери республика врачлари малакасини ошириш институтида илмий ишлар бўйича проректор бўлиб хизмат қилади. Ташаббускор олимнинг ҳаракатлари билан институтда тез-тез илмий анжуманлар, семинарлар ўтказиб турилади. Бу анжуманларда республикамизнинг таниқли шифокорларидан ташқари чет эллик олимлар ҳам мунтазам иштирок этиб келади.

Илм фидойиси Жўра Собиров ҳозиргача 100 дан ошдиқ илмий ишлар эълон қилган, у 3 та муаллифлик гувоҳномасининг эгаси. Бевоқита унинг раҳбарлигида битта докторлик ва иккита номзод ишлари муваффақиятли ёқланган.

Толмас шифокор, зукко тадқиқотчи олим Жўра Марифбоевич Собиров ўзининг эллик ёшини куч-қувватга тўлган, кўпдан кўн илмий-ижодий режалар билан кўтиб олмоқда.



Ризқинг бутун бўлсин, болакай...

Оламда гап кўп

ОЛМА ТИШ...

Мюнхенда яшовчи 12 ёшли бола ўзига хос рекорд ўрнатди. У ўнта олмани бошига устма-уст қўйиб, ўттиз секунд давомида мувозанатини бузмай турди.

Бонапартизм тарбиялайди

Унутмайликки, агар Парвардизор, олам ҳаёти, бағри-мизни ўзининг энг бемисл, азиз неъмат — фарзанд билан тўлдирган бўлса, аввало энг улуғ унвонимиз оталик, оналикдир.

Фарзандим қулиди — хурсандман, аразлади — қўнғим таш, айтганимни бажарди ёки бажармади, бўйнимдан қучоқлаб юзларимдан ўтди ва ҳожазо тўйгулар билан қуларни кеч қилаверамиз. Айтинг-чи, мана шундай турфа ҳолатларнинг илдиз сабабларини англашга уринган пайтларингиз оми, қўнғим? Ёки бўлмаса, умуман мана шу ҳақда ўйлаб кўрганмисиз? Келинг, ўғил-қизларимизнинг хатти-харакатлари, гап-сўзлари, феъл-у аъволларидан ўзарошишларга жиддий қарашни ўрсанайлик.

КИЗИМНИНГ РУҲИЯТИДАГИ ШУЪЛА

Нонушта пайтида қизим сўзлаб қолди:

— Ая, мен ҳам намоз ўқисам-чи!
— Ҳа, — дедим. — Аллақонан ёшнинг ётган.

Лекин қизим нимагадир ўйга ботди. Мен уни иккиланишга йўйдим. Шу пайт у яна:

— Мен рўмол ўраб юрмайман-ку. Мактабда бунга ҳар ким ҳар хил қарайди.

— Шароитга, имкониятига қарайсан-да, агар жуда ҳам хоҳласан бошқалар билан нима ишинг бор, ўраб юрaversан. Лекин гап фақат рўмол ўрашда эмас.

Шунда қизим бир нарсадан қўрққандай, овози титраб деди:

— Салима холам айтдиларки... рўмол ўрамаган, нариги дунёда э-э... гапиришга қўрқаман.

Салимадон — қўшнинг ўн етти ёшлардаги қизи. Тушундимки, у қўшни қизларни йиғиб олиб ўзи бошқалардан эшитган гапларни билиб-билмай айтганга ўхшайди.

— Биласанми, қизим, одамларнинг гуноҳлари савобларини ҳисоб-китоб

БИР КҮННИНГ УЧ ВОҚЕАСИ

қилиш ва шунга қараб уларни жазолаш ёки мукофотлаш фақатгина Аллоҳга хос. Биз — бандалар ўзимиз учун жавоб берамиз.

Қўриб турибманки, ўн бир ёшли қизимнинг кўзларида бу ҳақда яна ҳам чуқурроқ билишга иштиёқ бор. Шунда бир ривоятни айтиб бердим.

РИВОЯТ: Бир киши тинмай ҳамманинг кўз ўнгига етим-есирларга садақа қиларкан, Одамлар уни савобнинг тағида қолса керак, деб ўйлашаркан. Вақти, умр муддати ўтиб, у одам боқий дунёга кетганда, жойи жаҳаннамда бўлибди. Чунки Ҳақ таоло бу одамнинг нияти ёруғ оламда элу юртнинг кўзига ғоят саҳий, саховатли бўлиб кўриниш эканлиги, шунинг учун садақани намойишона қилгани учун, тириклик пайтида ниятинга етдинг, лекин мен бунга савобга санамайман, деган экан...

Англадимки, қизимнинг дилига бир шуъла тушган.

Мамлакатимизда руҳий эътиқод эркинлиги учун барча имкониятлар очилган, кўз ўнгимизда мусулмончилик саодатини қўлчилик шукроналик билан ўз ҳаёт тарзига айлантириб бораётган ҳозирги пайтда, шубҳасизки, фарзандларимизнинг онгига ҳам муқаддас эътиқод шуълалари уйғонмоқда. Лекин бу масъулиятли йўлга кириш учун аввало руҳий тайёргарлик бўлиши шарт. Руҳий тайёргарликни эса... ёшлар баъзида ҳар кимларнинг турфа фикрларидан ҳулоса чиқаришга иккиланадилар, қийналадилар. Шунинг учун ҳам биз катталар ёшларга, болаларимизга тўғри маслаҳат, мадад бермоғимиз лозим.

УЛАР КАТТИК ИШОНАДИЛАР

Тушлик овқатга уннаётганим, ўғлим бундан бир ойча муқаддам берган ваъдани эслатди. Мен унга дугонамдан китоб олиб келиб беришим керак эди.

— Мен кеча у холанга кўнғироқ қилдим, лекин иш жойида йўқ экан, — дедим, чунки китоб дугонанинг уйдан келтирилиши керак.

— Нима, тушлик пайтида кўнғироқ қилдингми? — деб катталардек сўради ўғлим.

— Йўқ, соат ўн бирлар эди... — гапим охирига етмай, ўғлим ажаблангандай:

— Аввал ҳам икки марта телефон қилиб топа олмаганингиз. Ё катталар ҳар доим иш жойларида ўтиришлари шарт эмасми? — деди ҳафалиги шундоқ кўзида акс этиб.

Ўйланаман: нима десам бўлади? Лекин ўғлим жавоб кутмай, ҳафсаласизгина кўчага чиқиб кетди. Энди вужудимни бир туйғу — ўғлимнинг олдида ҳижолатлик қамраб олганди. Демак, у ҳар кунни ўзи жуда ҳам қизиққан китобни кутган. Биз катталар ўз сўзимизнинг устидан чиқимизга ишонган, кўрдики, ваъдани амалидан дарак йўқ. Шунда биринчи, иккинчи... ва учинчи марта ёдимга солган. Шу кунгача у катталарни қатъиятли одамлар деб билган эди. Шу бугун унинг ҳафсаласи пир бўлди.

МИТТИ ВУЖУДДАГИ БУЮК ҚАЛБ

Яқшанбанинг юмуши сира тугамайди. Кечки овқатдан кейин катталар телевизор олдида қатор тизилишган, икки ёшдан сал ошган қизалоғим менга ёпишиб олди. У кундузи ухламаганди. Идиш-товоқларни ювиб, саранжомлаш керак. Ундан кейин ёзадиган ишим бор. Қизчамни ўринга ётқизсам, йиғлаб менга тирмашди. Ва шу инжиқлик ичида иштончасини ҳўллаб қўйди. Шунга баҳона қилдим-да, анови «кинохўр»ларга қасдма-қасдига қизчамни жазоладим. Гапнинг очиги, шу пайтгача гўдақкина менинг бундай жаҳлимни кўрмаганди. Чинқира бошлади, ўрнига силтаб ташлаб, чиқиб кетдим. У нукул: «Аяжон, мени урманг!» — деб ялинарди.

Кечаси қизим неча марта уйғонган бўлса, ҳар сафар: «Аяжон, мени урмайсизми?» — деб сўрарди.

Мухтарама УЛУҒОВА



Биринчи сабоқ

Муҳаббат остонасин ҳатлаб, келинлик саодатини орзулаган оймиларми. Оила гулшани деб аталмиш мўъжаз мамлакатга малика бўлиб бораётган сингилларим, қизларим! Бу гулшан подшоҳи, шахризодининг кўнғил арконини безатишга, саодатманд этишга меҳри давлатингиз, ифодат ҳаёдан зийнатингиз, оқилиқ, комилликдан сепингиз тахтми, етарлими?

Келинг ахшиси, бир озгина юмушингизни қўйинг-да, қошимда ўлтиринг.

Сизни ўн саккиз минг оламлар таовф қилган латофатли чехрангизга боқиб, ёш-лигимни, келинчақлик остонасидига беғубор дамларимни бир эслай. Бир эслай-да, эслаб-эслаб, титроқларга тушайин. Шу оқарган соч толарларимнинг гарди садарайх... лар уфурган сунбул қокилларингизга, биз ўстиролмаган гулларнинг армони қалбингизга қўнмаслиги учун бошимдан ўтганларини-да айтмай, қўқилганларини-да айтмай, оғриқларимни-да айтмай.

Шу баҳона сиз билан нафис бир суҳбат қурай. Эрта-индин бўладиган тўйингиз қайғусида, сандиқ-сандиқ, тахмон-тахмон сепларингиз ташвишида уйқусини-да, ўзини-да унутган, онангиз айтмаган, «ялтирмайлик» деб тилидагини ичига ютган янгангиз, эгачингиз айтмаганларни, айтолмаганларни шавирлабгина айтмай... Айвонда «хашар» қилиб, кўрпа-тўшак қавийтган кўни-қўшнлар, қариндош-уруғларга қалапақдек учиб-қўниб хизмат қилиб юрибсизу гоҳи-гоҳида ховлининг бурчак-бурчакларида ўйга толиб, ҳаёлотга суяниб қолясиз, юрагингиз... оқуш қўлидек мавжланиб кетяпти. Гоҳ хавотир,

КЕЛИНЧАККА МАКТУБЛАР

Иккинчи сабоқ

Саодат мулкида бегимлик, малақлик саруписини кийган латофатли келинчақ! Жийда гули уфурган чимилдикдан назоқат ила чиқиб берган ифратли саломларинг муборак бўлсин!

Бу бўстонда гул каби очилдинг. Энди уни шундай яшнатилки, изингдан бўйи вафодар анқисин, сўзларингдан мунавварлик сочилсин. Шайдои булбулнинг бир нафас бўлса-да анбар чаманинг тарк этмасин. Қошинг-да бир умр парвона-ю, мастона бўлсин.

Сен билан бу хонадонга шарофат, барака қут; фаришталар кириб келганлиги рост бўлсин!

Сен келган оилада энди мўъжазгина бўлса ҳам ўзгариш бўлса, нур кирса, ҳаракат, покизалик кирса. Ҳеч бўлмаса ховлининг бирор меҳр бериб, муҳаббат бериб улгурмаган бир чеккасини саранжом-сарашта, чарагон қилиб, боқира гуллигини сездириб қўйил-эй! Энди бу чамандаги ҳар бир гулга, ҳар бир гиёҳга, ҳаттоки тиконгада ширин лутф ила салом беришга, севилга бурчлисан. Бешиқда ётган гўдак ҳам сени меҳр илкингдан сув ичсин, сенга талпинсин, жоним қизим!

Ота-онанг гулбоғида бир зебо гунча эдинг, сенинг очилмоғинг ва гулзорга айланмоғингни тилаб, палахмон тошидай узок-узокларга, ўзга боққа отдилар. Сен энди бу боғда гулламоққа, бу боғдаги тош-

ташвишга тушяспиз. Ўйлаётганингиз тўғри, осон тутмайман. Сизни ўзга боққа авайлаб, асраб, суйиб бир гулдек ўтказишди-ю, ҳаяжони бўлмайдими? Бу боғда униб-ўсишингиз, туп қўйиб, палак ёзишингиз аввало ўзингизга, меҳрингиз, заковатингиз, меҳнатингиз, бардошингизга, қолаверса атрофингиздагиларга боғлиқ.

Сизни ҳали айтилмаган ёр-ёрларнинг, «салом-салом»ларнинг сеҳрли титроғи сархуш саросар қияпти. Синалмаган остона, синовлар бирозгина довдиратяпти. Ахир оилани гулшан, дедик. Унинг ҳам ўзига хос иссиқ-совуғи, фасллари, баҳори, ёзи бор, ёмғиру шамоллари, жаннат бехишлари бор. Уни мўъжаз бир мамлакат, дедик. Маликалик тахтига ўтириб даврон сурай десангиз, оқила-ю, тадбиркор, фозила канизак бўлинг. Э, айтаверсам...

Сизни «ёр-ёр»лар билан босган остона тиллодан уйингизни, гулдай очилган паричехрангизни, келинлик саодатингизни кўриб, «Салом-ингизни қулқ қилгани борайлик.

**Сизни дедим... Гулим, дебон
Қўй янглиг қулдингиз,
Ул интизор қулбагингизга
Чиннигулдай эгилдим.
Қўйсингизда титраб-титраб
Ки бир оташ гул бўлдим,
Ва гулзорга айланганим
Билмай қолдим ўзим ҳам.**

ларни-да, тиконларни-да ўз муҳаббатингиз ила гуллатмоққа маҳкумсан. Бу тошларнинг, бу гулларнинг қўнғилига йўл топиш мўъжизалар яратмоқдан ҳам мушкулроқдир, заҳматлироқдир.

Сенга бир онанинг ўз қизига айтган насихатларидан бир шингил айтмай.

... Қизим! Танимаган кишига йўлдош бўлдинг, энди йўлдошинга сен ер бўл! У сенга қўқ бўлур, сен ер каби остида тур. У сенга қўқ шаклидаги соя бўлиб турур, шиғили ёмғирлари билан қўқ ерни роҳатлантиргани каби у ҳам сенга марҳаматли бўлур. Сен унга тўшак бўл! У сенга тиргақ бўлур, сен унга канизак бўл! У сенга қўқ бўлур. Тоқати етмаган нарсалар учун уни зўрлама, чунки бундай иш аччиққа сабаб бўлур. Ундан йироқ бўлма, ўзингни унутадирсан. Унинг димоғини эски хидлардан, қўлоғини заҳарли пичинг сўзлардан сақла. Покизаликка одат қил. Сендан ҳар вақт хушбўйлик келиб турсин. Сўзингни ширин, юзингни очик қил, эринг яхши ва мулоийм сўзлардан бошқа нарсани сендан ҳеч эшитмасин!

Балки бу мактубимни ота-онанг, укаларингни соғиниб, интизорлик тортган маҳзун дақиқаларда кўзларингдан нурдек халқаланган ёшларингни яширибгина ўқиётгандирсан. Балки... Кўнғил уйинг чарогон бўлиб, муҳаббатдан сармат онларингга ўқиб, малохатли юзларингга табассуму сурур жилва қилаётгандир. Ҳар ҳолда келинлик уйинга боқиб, қўқур ҳаёлларга фарқ бўлдинг. Фикрат билан, мулоҳаза билан иш тутган шарофатли-да.

Энахон СИДДИҚОВА

ДИЛНИ ВА ТИЛНИ ПОКЛАНГ

Мақолада аниқ ўрнини кўрсатиш учунлик муҳим бўлмаган автобус бекатларидадан бирига замонавий кийинган, 30 — 35 ёшлар чамаси болали бир аёл келди ва бизнинг ёнимизда турган таниши билан қўл учига қўришган, ўзидан бироз узоклаган ўғилчасини чақирган бўлди:

— Ҳой, бу ёққа кел, ҳайвон! Ҳозир машина босиб кетади... Мен сенга нима даяпман эшшак, қайт изингга!..

Турли ёш ва турли жинсдаги кишилар ҳузурида, бунинг устига, туппа-тузук ўзбек аёлидан бу гапларни эшитиш бизга ҳечам ёқмади ва гарчи аёл нотаниш бўлса ҳам, ўзимизча унга танбех бериб кўрмоқчи бўлдик:

— Кечирасиз, фарзандингиз эшакми?...

Аёл бизга бир ҳўймайиб қарадию, нималардир деб гўдранди. Сездикки, гапимиз унга ёқмади. Шундан кейин нотаниш аёл ичида бизни нималар деб сўққанлигини аниқ билмаймиз, аммо бундай кўнгилсиз воқеадан кейин бизнинг хаёлимиздан нималар ўтганлигини муҳтарам газетхонлар билан ўртоқлашгимиз келди.

Бу аёл нима учун ўз фарзандини тап тортмасдан, бунинг устига жамоат жойида «ҳайвон», «эшак» деб аятапти. Бу билан у аслида кимни ҳақорат қилаётганлигини билармикан? Қанчондан буён ўзбек аёлининг оғзидан бундай хунук сўзлар чиқадиغان бўлиб қолди? Нима учун шундай бўлиб қолди? Бундай бўлмаслиги учун нималар қилиш керак?

«Мол олasi ташида, одам олasi ичида» деганларидек, ҳар доим ҳам одамнинг сурати (ташқи кўриниши)дан унинг сийрати (ички ола-

ми)ни билиб олиш имкони бўлавермайди. Фақат рўпарамизда турган кишининг ўйлари товушларга, нутқа айланиб, бизга ёрдамга келгандан кейингина унинг асл қиёфасини чуқурроқ англай бошлаймиз. Чунки «нутқ ҳар биримизнинг кимлигимизни ҳар қандай паспортдан кўра яхшироқ кўрсатади» (Корней Чуковский). Бунинг асосий боиси шундаки, сўз одамнинг қалбидан чиқади. Яссавийнинг фикрича, «тан сўзламас, жон сўзламас, ймон сўзлар». Ймон эса қалбда бўлади. Дили пок одамнинг қўзи ҳам, сўзи ҳам, ўзи ҳам пок бўлади.

Ривоят қилишларича, бир донишманд ҳузурига уч киши кириб келибди:

— Биз учовимиз сафарга чиқиб эдик, — деб сўз бошлади улардан бири, — бир-биримизни танимас эдик. Менинг ҳамёнимдаги пул гоийб бўлди. Қандай қилиб йўқолганини билмайман, — дебди.

Доню: «Пулингиз топилади» дебди-да, уларни меҳмон қилибди. Сўнг бири узок-узокдан ҳикоя бошлабди. Ҳикоя мазмунини шундай экан: «Бир келин дугоналари билан қуёвниқига отланибди. Ўрмонда қароқчиларнинг қўлига тушиб қолишибди. Қароқчилар келиннинг бутун сепини тортиб олишибди. Шунда келин қароқчилар бошлиғига ялинибди, ёлворибди, раҳм қилишини ўтириб сўрабди. Қароқчилар бошлиғининг раҳми келиб, уларни озод қилиб юборибди, мол-мулкни ҳам қайтариб берибди...»

Гап шу ерга келганда биринчи ҳамроҳ:

— Мард қароқчи экан, — дебди.
— Мол-мулк бир-икки минг тилла келар, — дебди иккинчи ҳамроҳ.
— Аттанг, шунча мол-дунёни қайтариб ўтирибдими? — дебди учинчи ҳамроҳ.

Доню учинчи ҳамроҳни ташқарига таклиф қилиб:

— Ҳамроҳингиз пулини қайтариб беринг, осойишталик барпо қилиб, пулини эгасига топширай, — дебди.

Бу ҳамроҳ уэр сўраб, пулни қайтариб беришга мажбур бўлибди...

Бу каби ривоят ва афсоналар ўз-ўзидан дунёга келмайди, албатта. Уларнинг замирида ҳаётини воқеалар, кўп йиллик кузатиш ва тажрибалар ётади. Халқимизнинг «Яхшининг сўзи — мой, ёмоннинг сўзи — лой», «Яхши топиб гапирар, ёмон қопиб гапирар» қабилидаги мақолларидан ҳам маълум бўладики, ҳар ким ўз савиясига яраша сўзлайди. Шунинг учун ҳам пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломнинг муборак ҳадисла-

рида «Бирор кишидан «одамлар бузилиб кетди» деган гапни эшитсангиз, билингки, ўша одамнинг ўзи бузилгандир» деган фикр айтилган. Демак, ҳамма гап ўзимизда экан-да!

Сўхбатимиз шу ерга етганда мақоламиз муқаддимасида берилган айрим саволларга жавоб топгандай бўламиз. Демак, «Дил — денгиз, тил — қирғоқ. Денгиз тўлқин кўтарса, қўйида борини қирғоққа қиқазиб ташлайди» (Жалолиддин Румий). Бундан кўринадики, тилимиз ноҳўя сўзларни айтмаслиги учун, энг аввало, дилимиз пок бўлиши керак. Зеро, дили, сийратини покламай туриб, тилини, сўзини ҳам поклаб бўлмас.

Яна нотаниш аёл ва унга берган саволимиз ёдимизга тушади: — Кечирасиз, фарзандингиз эшакми?...

Йўлдошли ҲОҶИ ЭРҒАШЕВ,
Сиддиқ МҶМИН
Фаргона

Оламда гап кўп

ХАТОНИНГ БАҲОСИ

Парижлик Перро Перони полиция жиноятда гумонсираб қамоққа олган эди. Орадан ўттиз кун ўтиб, полиция уни бошқа биров билан адаштириб ҳибсга олгани маълум бўлди. Перро ўзига етказилган моддий ва маънавий зарар учун полиция маҳкамасини судга берди ва 43200 доллар ундириб олди.

МУҲАББАТДАН НАФРАТГАЧА БИР ҚАДАМ

Агар немис газеталарининг бир ҳафталик таҳлавларини варақлаб чиқсангиз ёки Мюнхендаги «Оқилона руҳият жамияти» институтини хулосалари билан танишиб кўрсангиз, шубҳасиз, Отелло Олмонияда туғилибгина қолмай, балки бу ерда кўп-кўп ўзининг ўта рашқчи аждодларини қолдирган экан, деган хулосага келишингиз тайин.

«Қатта муҳаббатга беш марта пичоқ санчилиди», «Рашқ ўтида хотинини бўғиб ўлдирди», «Менга ҳам, дугонамга ҳам буюрмасин» каби сарлавҳалар кундалик олон газеталарида кўп-кўп учрайди.

Бундай ҳодисаларнинг 90 фоизда ўз аёллари, ўйнашлари, қўни-қўшни, айбдор ва айбсиз яна бошқалар жониға қасд қилётган эркаклар айбдордир. «Оқилона руҳият жамияти» институтининг хабар беришича, шу йил мобайнида Олмонияда «майда» жанжаллари ҳисобга олганда, тан жароҳати етказиш билан боғлиқ бир миллион саккиз юз минг жиноят содир бўлган. Буларнинг ҳаммаси рашқ оқибатида руй берган. Агар 1975 йили фақат ўн фоиз эркаклар ўзларини ниҳоятда рашқчи ҳисоблаган бўлсалар, бу йил уларнинг сони 3,5 мартага кўпайган. «Оддий рашқчилар эса 72 фоизни ташкил этади. Рашқчиликда аёллар ҳам эркаклардан қолишмаётирлар. Сўнгги пайтларда суд маҳкамаларида немис судларига ҳос бўлмаган қатор оилавий моjarолар кўриб чиқилмоқда. Уларда эру хотинлар арзимаган сабаблар билан бир-бирларига

лаънатлар ёғдирмоқдалар. Сарик қақалик қиммати бўлмаган буюмларни таллашиб обурларини тўкмоқдалар.

Холқ исмли шахс камқувват бола туққан учун хотинини обдон дўппослаган, кейинчалик гўдакка ҳам қўл кўтара бошлаган. Олти ойлик қизалок калтак зарбидан ҳаётдан қўз юмган. Бир унтер офицер эса хотинини тепкилашдан ташқари, дарсини имиллаб тайёрлаётган ўн уч ёш ўғлининг бошига шундай туширганки, бола бечоранинг оғзи-бурнидан қон кетаётганда ачиниб ўрнига ҳатто хотинига шундай деб ўшқирган: «Қара бу чўқабачча-нгда ҳатто қон ҳам оқади-я». Ўспирин йигит ўз маъшуқаси билан уч ойдан кейин қовушишга аҳд қилади. Бироқ никоҳдан олдин уни хиёнатда айбал қалтаклаган. Никоҳдан сўнг у ўз айбига икорор бўлиб, келиндан кечирим сўраган, аммо фурсат ўтиши билан яна хотинига баргитошлик қилверган. Оқибатда бир фарзандли бўлишгач, одамқуш эр ўз хотинини беш жойидан пичоқлаган.

Рашқ оқибатида руй бераётган бундай жиноятлар бениҳоя кўп. Оилавий низо-лар натижасида 90 минг одам жиддий яраланган, уларнинг кўпчилиги аёллар ва болалардир. Болаларни ҳимоя қилиш Олмон иттифоқининг маълумотларига қўра, ҳар учинчи бола оиласида қалтакланар экан.

Полиция маълумотларига қараганда, оилавий низолар кўпроқ жамиятнинг қўйи қатламларида руй берад экан. Бироқ эрини бағритошлигидан шикоят қилган аёллар кўпинча бокучисиз қолишдан қўриқиб ишни судга бермас эканлар. Шу туфайли ҳам аёллар ажралмасдан, эридан қочиқ қутулишга ҳаракат қилишар экан. Бундай аёллар учун Олмонияда 324 «аёллар уйи» ишлаб турибди. Улар мана шу уйларда эрлари инсофга келишини кўтиб яшамокдалар. Зўравонликнинг асосий сабаблари ичкиликбозлик, тарбиясизлик, ишдаги ва уйдаги оғир шарт-шароитлар, пул, мол-дунё моjarоларидир. Олмон тадқиқотчилари яна бир жиддий сабабни таъкидламоқдалар, у ҳам бўлса ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги. «Қатто энг оддий касбга ҳам ўқитилади, — дейди мухенлик социолог Бунц, — бироқ «эр ва ота касби» га ҳеч қандай ўқитилмайди». Шу боисдан ҳам олимлар оиланинг муқаддаслиги, эр ва хотиннинг оиладаги мажбуриятларига мактаб ёшидан бошлаб ўргатиб бориш лозим деб ҳисобламоқдалар.

«Континент» газетасидан олинди

Изҳор

...Наргизани ҳар гал кўрган-нимда, гапнинг очиги, қиз бола бўлиб туғилганимга афсусланиб кетаман. Ахир у ҳам аёл киши. Наргиза тўғрисида тўлиқ маълумотни ётоқхонадаги талаба йигитлардан эшитганман. Ҳозир яшаётган ётоқхонага кўчиб келмасимдан олдин у ҳақдаги: «Чекади, ичади, 8-синфда ўқиб юрганда ниҳосиз бола туққан, ҳозир пулга юради-ган бўлиб кетган, ётоқхонага, йигитларнинг олдиға тез-тез келиб туради, оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан сўкинади», деган гапларига ишонгим, тўғрирогги, шундай қизлар борлигини тан олгим келмасди. Лекин бу ерга жойлашган...

Ҳар кеча хонамиз тўғрисидаги йўлда машиналарнинг сигнал чалгани эшитилади. Аввалига мен ва мен билан

яшайдиган қизлар эътибор бермадик. Бир кун нима бўлдию деразадан ташқарига қараб турсам, пастда қора «Волга» сигнал чалиб турар, муюлишдан эса шим ва тор қовтга кийган бир қиз қўли келди ва рулни бошқараётган йигитнинг ёниға ўтириб қаяққадир кетди. Ярим кечаси машина эшигининг очилиб-ёпилганини эшитиб, дераза ёниға бордим. Машинадан баяги қиз тушди. Мен эса бу маҳаллада ўрислар ҳам яшар эканда, деган хулосага келдим. Икки кун ўтган яна ўша машина деразамиз рўпарасида бўла бўлди. Бу сафар кундуз бўлгани учун ҳаммаси аниқ кўриниб турарди. Яна ўша кунги қиз машинаға чиқди. Лекин бошида «ўрис» деб ўйлаганим ўзбек — Наргиза экан. Мен энди уни ҳам ҳайрат билан, ҳам нафрат билан кузатадиган бўлдим. Унга бир кунда бир неча хил машина келиб кетади — оқ, қизил, қора, сутранг — «Волга», «Жигули», «Мерседес»... одамлар ҳам ҳар хил.

Унга келадиган кишиларни, уни кўрганимда мени бир савол қийнайди, улардан ҳам сўрагим келади, сизларнинг ватанингиз қаерда, осмонингиз қаерда, бўлса ранги қанақа, бизникиға ўхшаган бегуборми, сизни ҳам она туққанми, сизларнинг ҳам худонгиз борми?

...Яқинда қишлоқдан онам келди. Очиғини айтсам, онамнинг келишини эши-

тиб бироз хавотирга тушдим. Онам Наргизадай қизлар борлигини тасаввурига ҳам сийлаган эдим. Хавотирим бекорга эмас экан. Онамнинг деразадан у ёққа қарамаслиги учун қанча ҳаракат қилмай, онам барибир кўрибди. «Шу ерда бир қизни кўрдим, икки-уч марта машинаға чиқиб кетди, ким ўзи у?». Онамнинг ҳайрат тўла кўзларига қараб мен жавоб бера олмадим. Онамга мен уни ким дейин. Унинг кимлигини ҳеч ким, ҳатто ўзи ҳам билмайди.

Ташқарига қараб иштончанг болакайга кўзим тушади. У отасининг кимлигини билмайди. Бошқа болаларға ўхшаб отасининг бўлишини, «дада» деган сўзини айтишни жуда-жуда истайди. Номсиз онасининг кимлигини билмайди у. Унинг ақли ҳозир қўп нарсасга етмаса-да,

аммо ҳамма-ҳаммаси, машиналар, амакилар, онасининг ўша амакилар билан қаяққадир кетиши, баъзан тўн яримида, баъзан тонгага яқин гуноҳларини ортмоқлаб қайтиши — ҳамма-ҳаммаси хотирасидан жой олган.

Наргиза, мен сендан нафратланаман, сен билан гуноҳнинг қониға ботиб юрганлардан, сени шу қўйга солганлардан, сени тарбиялаган муҳитдан ва сенинг атрофингдаги одамлардан бутун вужудим билан нафратланаман. Чунки сен... сен... фақат шунгагина лойиксан.

Барно СУЛТОНОВА

ТУБАНЛИК





латнинг мурасасиз кураши натижасида секин-аста юзага келган оламшумул ҳодисалардир. Уларнинг, яъни илму урфон, маданият ва фаннинг устун келишини таъминлашда буюк маърифатпарварларнинг хизматлари беқиёс. Улуғ франсуз файласуфи Клод Андриан Гелветсий ана шу заҳматкашларнинг биридир.

К. А. Гелветсий 1715 йили Парижда, саройда хизмат қилиб турган табиб оиласида дунёга келади. У болалигида бойлар ва ночор халқ орасидаги тенгсизликни кўриб, зодагонларнинг манфаатпарастлигига гувоҳ бўлиб ўсади. Диний мактабдаги таълим уни қониқтирмайди ва у хур фикрли адиблар — Корнел, Расин, Монтен, Лабрюйер кабиларнинг китобларини топиб, мустақил мутолаа қилишга киришади. Айниқса, машҳур файласуф Локнинг «Инсон ақлининг тажрибалари ҳақида» номли китоби унга кучли таъсир кўрсатади. «Бу китоб, — деб ёзади Гелветсийнинг таржимаи ҳолини ёзган Сен-Ламбер, — унинг онгида чинакам инқилоб қилди. У Локнинг тиришқоқ шогирдига айланди, Платон учун Аристотел қандай бўлса, Гелветсий учун Лок шундай устоз эди».

Ўзининг тинимсиз изланишлари билан К. А. Гелветсий буюк устозга муносиб бўлиб етишди — устоз кашфиётларини ўзининг кашф этган янгилликлари билан бойитди.

Ҳар қандай жамиятда тарбиянинг ўрни ғоят юксаклигини таъкидлаган Гелветсий, ҳар сафар кишиларнинг энг бирламчи тарбиячиси бу — қонунлар ва жамиятнинг сиёсий тизими эканини уқтирган. «Халқнинг фикрини, — деб ёзади у, — фақатгина қонунликлари янгилангандан кейингина ўзгартириш, янгилаш мумкин... ахлоқ ислохотини қонунларни ислоҳ этишдан бошламоқ лозим».

Ҳозирги замонда ҳам қарийб уч аср муқаддам яшаб, ижод этиб ўтган франсуз файласуфи Клод Андриан Гелветсийнинг қарашлари ўзининг маърифатпарвар, адолатпарвар моҳиятини йўқотгани йўқ. Аксинча, унинг ҳикматга тўла доно фикрлари умумбашарий аҳамият касб этди. Сиз қуйида алломанинг айрим асарларидан олинган пурмаъно фикрлари билан танишасиз.

Мусибатга учраганда кўнгилга таскин бера билиш керак, чунки денгизда ҳам бўрон тўхтагач, осойишталик ҳукмрон бўлади. Аммо хурсандчилик пайтларда ҳам буткул хотиржамликка берилиш ярамайди, аскинча, ана шундай давларда бўрон кўзга келишидан эҳтиёт бўлмоқ лозим; ҳуллас, оғир вазиятда ҳам, сокин дамда ҳам кўнгилга тўла эрк бериб бўлмайди — ҳеч қачон денгизга ишонманг.

Беайб парвардигор, бандаси эса нуқсонсиз бўлмайди. Кошона яхлит мраммдан қурилмайди, мис, қалай ҳам ишлатилади. Буни ҳисобга олмай, уни таҳқирлаш адолатданми?

Одамлар сизни яхши қўришини хоҳлайсизми? Хоҳласангиз, уларнинг ақлини қадрлай билинг.

Бирор-бир кимса алданиб қолмаслик учун жон-жаҳди билан тиришадиган одамчилик қаттиқ алданмайди.

Молу дунё — доно кишининг қўлидаги қул, аҳмоқ учун эса ҳукмбардордир.

Олимбашара кимсалар чинакам донишмандлар қалбида ғазаб кўзга келмайди, аҳмоқлар юрагига эса ҳайрат уйғотади.

Ёлғон баъзан ишонтиради ҳам — қоронғу осмонни ярқиратиб ёритган мушакка ўхшаб: осмон юлдузларга тўлиб кетгандай туюлади, бироқ бу юлдузлар умри бир нафаслик, ҳолос.

Қирол саройида ақли одамларни хуш қўришмайди. Кординал Ришеле итоаткор эди ва ўзининг итоаткорлиги билан мактанадиган кимсаларинигина кўтарарди. Ришеле ақлий вазири этиб тайинлаган Сеге кейинча кантслер, яъни олий мартабага эришди, бу ишда Ришелега унинг котиби Рошнинг Сеге ҳақидаги таърифи жуда асқотди: Сеге, деган эди у, сўзсиз бўйсунуш ва қулдай қўл қовуштириб туриш учун туғилган...

Ҳар қандай хатонинг боши ялқовликдир.

Ботирлик шундай фазилатки, у жангга кетаётган лашкарнинг энг олдадаги сафиди боради.

Ақл қиролга ўхшаса, ҳурофот қиролнинг вазирига ўхшайди. Вазир ўз мухолифларини қиролга яқин йўлатмайди: шундайин, ҳурофот ақлнинг йўлини эз-

гуликдан тўсиб туради.

Марҳумлардан кўра тирикларни кўп мактайдиган кишилардан четроқ юринг. Бу ҳасаддандир.

Ҳар қандай ҳақиқат ҳам юрагимиздан чиққан ажиб гулу чечаклар эмас. Зеро, бу ғаройиб гулу чечаклар мағрурлик ва мутаассиблик шамолда эгилиб-қайрилиб қолган, улар теран ва ҳолис фикр-мулоҳазалар таъсиридагина қад ростлаяжак.

Ҳақиқат тўни кийдирилганда ёлғонни асл ҳақиқатдан кўра ортироқ эъзоз-



Клод Андриан ГЕЛВЕТСИЙ

ҲАҚИҚАТНИНГ
ҒАРОЙИБ
ЧЕЧАКЛАРИ

лайдилар.

Ақл таомга ҳам ўхшаб кетади, идишда (узюк сақланганда) айниб қолади. Бундай таом ишлатилганда ё асал, ёки захар бўлади.

Одатда бирор-бир мансабга ўтирган аҳмоқни доно ўрнида кўриб, муомала қиладилар. Қирқиб олинган дарахт шохини ишлаб, унга ўзларича таңгри шаклини бериб, меҳробга қўйиб сизинишади-ю, бироқ шу дарахтдан оддий тараша ҳам тайёрланишини унутиб қўйишади.

Хираланиб қолган кўзга ўхшаш ақллар ҳам бор, бундай кўз ҳар нарсани кўра олади, бироқ синчилаб, теран кузатишга оҳишлик қиладилар.

Ўзини таниммаган баъзи бир мансабдорлар назарида ҳар қандай нарса мисоли кўзга бўлиб, бу кўзга гўё уларнинг буюклигини акс эттириб туради, ҳолос. Ҳокимларнинг ўзларига таъзим баҳо этиб турган кимсаларни ёқтиришларининг сабаби шунда.

Адашининг сабабларидан бири, бу билишга ўчликдир.

Биз юксак тараққиётга эришган Ғарб мамлакатларида қарор топган демократик қадриятларга ҳавас билан қараймиз. Аслида бу қадриятлар ўша давлатларда бир неча асрлар мобайнида узлуксиз давом этган эътиқодлар, назариялар, ақл ва ҳурофот, эскилик ва янгилик, билим ва жаҳол-фот, эскилик ва янгилик, билим ва жаҳол-



ШОХЛИ КАЛЛАЛАР

Субайт қўргони харобаларида уч йил давомида қазиш ишлари олиб борган исроиллик олимлар бронза даврига оид кўплаб рўзгор буюмларини топишди. Янаям чуқурроқ қазиш пайтида эса улар одамларнинг суякларига дуч келишди. Бу суякларнинг бош чанокларида шохлари борлиги археологларни лол қолдирди. Ҳозир бу шохли каллаларнинг сири ўрганилмаяпти.

ПЛАГИАТ

Ҳаётда нафақат машина, квартира ёки мол ўғрилари, балки илм ўғрилари ҳам учраб турар экан. Россиянинг Яхудий автоном республикасидаги ҳудудий муаммоларни комплекс тадқиқ этиш институтининг етакчи профессорларидан бири америкалик ҳамкасбларининг ЮНЕСКОнинг «Табиат ва ресурслар» журналида эълон қилган мақоласини тўлалигича қўчириб олиб, ўз асари сифатида эълон қилди. Фарқ шундаки, бу профессор Америкадаги жой номларини Россиядаги номлар билан ўзгартириб чиққан, ҳолос.

ХОЛОКОСТ — ФОЖЕАЛАР МУЗЕЙИ

Вашингтонда Холокост музейи («холокост» сўзи юнончадан таржимада «фожеа» маъносини беради) бор. У фашизмнинг инсоният бошига ёғдирган балолари ҳақида ҳикоя қиладилар. Музей залларини айланган киши ўзини худди концлагерга тушиб қолгандек ҳис этиб, баданидан совуқ тер чиқиб кетади. Музей заллари концлагер бараклари, газ камералари, крематорийлар шаклида қурилган. Залларга ўрнатилган телевизорларда эса ўша лагерларда суратга олинган даҳшатли лавҳалар намойиш этилади.

БИРИНЧИ МУҲАББАТ ВА ... КЕЙИНГИЛАРИ

Психоаналитиканинг асосчиси Зигмунд Фрейднинг қафолат беришича, ҳар бир эркак кўп хотинчиликка, маъшукчалари бўлишига руҳан тайёр бўлар экан. Тадқиқотлар эса ҳар юз нафар катта ёшдаги эркакдан етмиш нафари ҳаётда ҳеч бўлмаса бир мартагина бегона аёлга илакишганини кўрсатмоқда. Олимлар бундай ҳолини инсоният жамияти ва ҳайвонот оламига хос бўлган хусусият сифатида баҳолашмоқда.

АСР АВТОМОБИЛИ

1997 йил мартида «аср автомобили»ни аниқлаш учун ўтказилган танловнинг биринчи босқичи бошланади ва у 1999 йилнинг декабрига қадар давом этади. Танловга турли йилларда ишлаб чиқарилган ва турли русумдаги 700 та машина тавсия этилган. Олти кишидан иборат нуфузли экспертлар гуруҳи улардан 100тасини якуний босқич учун танлаб олади ва фақат битта автомобилгана «Аср автомобили» унвонига сазовор бўлади.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Азиз фарзандларимизнинг тўнғичи ШАВКАТЖОН!

Сени 23 ёшин билан муборакбод этамиз. Илоҳим ҳаётинг мазмунли ва қувончларга бой бўлсин.

Отанг Олтибой, онанг Бибиойша

Қадрли укам Жўрабек АЛЛАЁРОВ!

Сизни 23 ёшга киришингиз билан табриклайман. Элининг севган фарзанди бўлинг. Ҳаётингиз ширин бўлсин. Уқиш-ишларингизга омад тилаб, акангиз СОАТ

Кашкадарё вилояти, Гузур тумани

Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, Жумашуй посёлкасида яшовчи мунис она-жонимиз **ҲАЛИМАХОН!**

Ярим асрлик қутлуг тўйингиз муборак бўлсин! Сизга чинор ёшидек боқий умр, мустақкам сихат-саломатлик тилаймиз. Бизнинг бахтимиз қуёши бўлиб доимо нур ва меҳр сочиб юраверинг, онажон.

Сизни самимий қутлаб, қизларингиз Дилором, Дилфуза

Қимматли дўстим Бобошер ФАРМОНОВ!

Сизни таваллуд кунингиз билан чин юракдан қутлайман. Сизга узоқ умр, тинчлик-омонлик тилайман.

21 ёш! Шу ёшда ким учундир тор ва яна кимлар учундир кенг муҳаббат сўқмоғида қалби ва ташқи гўзалликда тенги йўқ бир паризод учрасин Сизга.

Бир гуруҳ синфдош дўстларингиз номидан, Файзулло Бобо Дўст

Меҳрибон ва сеvimли ДАДАЖОНИМИЗ!

40 ёшингиз муборак бўлсин. Бахтимизга Оллоҳ умрингизни узоқ қилсин. Энг эзгу тилакларимизни Сизга тилаб,

умр йўлдошингиз Феруза, фарзандларингиз Санобар, Нилуфар, Гулшода ва Ҳайрулло

Укажоним АБРОР!

Навқирон 20 ёшин билан муборакбод этаман. Сенга бахт ва узоқ умр тилаб, аканг Хайрулло

Яккабоғ тумани, Имомёқуб қишлоғи

Қадрли Маъмураҳон ШАРАПАТОВА!

Сизни таваллуд айёмингиз билан қутлаймиз. Соғлиқ-саломатлик, оилавий бахт, қуёшли мусаффо осмон, меҳнатда янги-янги ютуқлар ёр бўлишини тилаймиз деб, онангиз Ибодатхон,

фарзандларингиз Сафиназ, Искандар, Мадина

Ҳурматли Фатхулло ТУРСУНОВ!

10 декабр — таваллуд айёмингиз қутлуг бўлсин. Рафиқангиз, фарзандларингиз бахтига ҳамиша соғ-омон бўлинг, шифобахш қўлларингиз ҳеч қачон дард кўрмасин.

Сиздан шифо топганлар

ВЕНЕРА!

8 декабр — таваллуд кунинг муборак! Сенга бахт ва омад ҳамроҳлигини тилаб қолашимиз!

Афоқовлар оиласи номидан, Асрор, Нозима

ЭЪЛОН

«Матбуотчи» кичик корхонаси тугатилди. Давво-лар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Ф. СП—1

Алоқа вазирилик «Матбуот» уюшмаси

АБОНЕМЕНТ рўзнома 64654
ойнома

«Оила ва жамият» (нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

Обуна сони

1997 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

Кимга

(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

**РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ
ВАРАҚЧАСИ**

п. я. жойи 64654

«Оила ва жамият» (нашр кўрсаткичи)

Обунани янги манзилга юбориш Баҳоси Сўм Обуна сони

1997 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзила)

Кимга

(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

«Оила ва жамият» газетаси Сизга маънавий озик берувчи, руҳингизни тетиклаштирувчи, фарзандларингиз тарбиясига катта ижобий таъсир этувчи газетадир. «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»га обуна бўлсангиз асло ютқазмайси.

Газета индекс:

Якка обуначилар учун: 64654

Корхоналар учун: 64653

ТУШЛАР ТАЪБИРИ

(Ўзингиз ва ўзганинг танасидан фойдаланиш борасида)

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Тушида хатна қилинаётган киши гуноҳ ишлардан халос бўлади ва Мухаммад алайҳиссаломнинг суннатини адо этади.

Намоз олдидан оғизни ювиб-тозалаш ҳам шу маънони билдиради.

Ҳусл қилаётган (бошдан-оёқ ювинаётган) киши ҳам ғам-ғуссадан ва муҳтожликдан халос бўлади. Енгил таҳорат олаётган кимса эса, бировнинг омонатини бериб қўтилади.

Тушида пакана бўлиб қолган одам ўнгида обрўсидан айрилиб, жабру жафо тортади.

Тушдаги қашшоқлик бойлиқдир. Аммо бу давлат эгаси бойлигини беҳуда ишларга сарфлайди ёки ҳаволалиб кетади.

Тушида ўзини бемор ахволда кўрган киши тоат-ибодатга кўнгли қўймайди, ёхуд сафарга чиқса, Оллоҳ йўлини бермайди.

Очлик — мол-дунё учун интилоқ, чанқоқлик тақво йўлидаги қаноатсизликдир.

Тушида йиғлаган киши ўнгида хурсанд бўлади, қулган эса — изтироб чекади, ғуссага ботади.

Кимки ўлиб, ўз уйида ётган бўлса, ундай киши ҳалокат овланади. Агарда бу марҳум оиласида бўлса, хонадонга қайтади, ҳибсда бўлса озодликка чиқади.

Агар отан ўқингиз нишонга тегса — муродингизга етасиз, Оллоҳ Таоло тиланингизни беради.

Агарда тушингизда бир марҳумни қучоқлаб турган бўлсангиз, демек умрингиз узун бўлар экан.

Агар бир шаҳар аҳли келгинди кимсалар билан жанг қилаётган бўлса, озиқ-овқат қимматлашади. Мабодо, одамлар полдиро билан олишаётган бўлса — бу давлатнинг осойишталиги, турмушининг фаровонлигини билдиради.

Тушда жанг майдонидан қочиш — ях-

шиликка, душман олдига тушиб олиб, мардона югуриш эса, ёмонликка ишора-дир.

Тушида хушрўй ва хушфёъл жувонга уйланган одам куч-қудрат ва закийлик касб этади. Бўйида занжир кўрган киши эса, фёъл-атвори ёмон аёлни хотинликка олади.

Агар бировнинг танасидан жудо қилганларни туш кўрсангиз, таъбири бундай: бетоб бўлсангиз-тузаласиз, қарздор бўлсангиз — қарзингиздан қутуласиз ва Ҳажга сафар қиласиз.

Тушингизда ўлик қақирса, қўрқмоқ керак. Ҳусусан, марҳумнинг товушини эшитсангиз, бироқ ўзини кўрсангиз ва у чорлаган тарафга қараб юрсангиз — ҳолингизга вой.

Агар марҳум ухлаб ётган алфозда ёхуд яланғоч ҳолда тушингизга кирса, ўшал марҳумнинг охирати обод бўлибди, деб билинг.

Агар ўзингизга гўр қазийтган бўлсангиз — демек, янги иморат солар экансиз.

Агар тушингизда сизни қатл этишаётган бўлса, билингки, халойиқдан мактов эшитасиз ва олқиш оласиз.

Мабодо сўфи азон айтиб бўлиб, ўзи ҳам намоз адосига йўл олса, демек Ҳаж зиёратига отланар экансиз.

Тушингизда бемор бўлсангиз, ташвиш тортманг: тан-жонингиз соғ-омон бўлиб, кўзлаган ниятингизга етасиз.

Тушда рўза тутиш ярамас ишлардан узоқ туришни билдиради.

Агарда тушингизда Ҳаж қилаётган бўлсангиз, ўзи сизни бало-қазодан асрайди, ғам-андух нима эканлигини билмайси.

Тушда оби замзам ичган киши илми адён (диний илмлар)га ошно бўлган.

(Давоми кейинги сонларда)
С. СИЁЕВ тайёрлади

ЖУН КИЙИМЛАР ҚАНДАЙ ЮВИЛАДИ?

Жун кийимлар зичлигига, толасининг хилига қараб тозаланади. Юпка жун кийимларни химичисткага бермай, уй шароитида ҳам ювиб тозаласа бўлади.

Бунинг учун кийим аввал чўтка билан тозаланади. Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, жун кийимларни кир ювиш содаси билан мутлақо ювиш ярамайди. Чунки жун буюм сода билан ювилганда қаттиқ дағаллашиб, киришиб кетади.

Бундан ташқари жун кийимларни 40—45 градус ҳароратли сувда ювиш, шунингдек чайиш учун ишлатиладиган сув ҳарорати ҳам бир хил бўлиши керак. Кийим чайилганда (сикиб) буралмайди.

Маслаҳатлар

Жун кийимлар арқонга ёйиб қуритилса қўзилиб қолиши мумкин. Шунинг учун уни қуруқ чойшаб устига ёйиб қуритиш лозим. Кийим батамом қуригандан сўнг устига юка мато ёйиб дазмолланади.

Баъзида жун кийимларни дазмоллаганда ялтираб қолади. Буни кетказишнинг эса йўллари бор.

Биринчи усул: ош тузи ялтирган жойга сепилиб, қаттиқ чўтка билан ишқаланади. Сўнгра шундай рангдаги материал билан артиб, қоқилади.

Иккинчи усул: Бир стакан сувга бир қошиқ новшадил спирти қўшиб, тайёрланган эритма ялтирок жойга пахта билан сурилади ва мато устидан дазмолланади. Сал қуригандан кейин яна бир марта қаттиқ чўтка билан тозалаб қоқилади.

ОТА-ОНАЛАР, МАКТАБ, ИНТЕРНАТ ВА ЛИЦЕЙ ДИРЕКТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Дунё» сайёҳлик фирмаси (Давлат лицензияси № 196-96 РУ) қишки таътил кунлари Тошкентда болалар учун мароқли дам олишни уюштиради.

Фирма қўйидаги хизматларни курсатади:
темирйул ва автовокзалда кутиб олиш, меҳмонхонага жойлаштириш, овқатлантириш, шаҳар бўйлаб саёҳатлар, музейлар, цирк, теле-минора, ҳайвонот боғи, ёш томошабинлар театри ва Чимёнга ташрифлар.
Дам олиш муддати: 3-5 кун.
Гуруҳлар 20-30 кишилик бўлади.
Аризалар 27 декабрдан қабул қилинади.

Тел: (3712) 64-16-53
Тел. (факс) (3712) 64-74-85.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонемента касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпелини босиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Рўзнома ва ойномага обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштиришганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан, шунингдек «Матбуот уюшмаси» жадвалидаги қондаларга риоя қилиб тўлдириш.

Манзилгоҳ ўзгартирилганида, оиларнинг катакларини ва «ПВ—ЖОИИ» катакларини алоқа бўлими ва «Матбуот уюшмаси» ишчилари тўлдиришади.

Б-715—15.000.000—91 г.

АЛМАШИБ ЎҚИЙВЕРАМИЗ «Обуна — 97»

Эрталаб ишга келаяпман. Автобус ҳар доим-гидек тикилиш, одам бурилиб бўлмайди. Бу ҳолатга ўрганиб қолганмиз. Жим кетаяпман. Ёнимдаги ўриндикда ўтирган икки аёл бир-бири билан гаплашиб кетишмаяпти. Беихтиёр уларнинг суҳбатини эшитиб келаяпман. Гаплари айлиниб обуна мавзусига келганда диққат билан тингладим.

— Кечагина ўтирганда эшитдингизми, — деди улардан бири. — Насиба бор-у, қўшниси билан ярим-ярим пулини тўлаб «Оила ва жамият» газетасига обуна бўпти. Тагин, бир подьездда турсак, эшигимиз рубару бўлса, қайта-

га яхши бўлди, яна озгина пул орттириб бошқасига ҳам обуна бўламиз. Ахир газета, журналларни ўқиб-туришимиз керак, айниқса биз педагоглар, деганига ўлайми?!

— Хўш, бунинг нимаси ёмон, тўғри қилишибди, — деди иккинчи жувон.

— Вой, нима девоссиз, иккалови биргалда обуна бўлса, қайси бири олиб ўқийди. Ундан кўра ҳар бири алоҳида обуна бўлгани яхшику. Биласиз Насибанинг эри бозордан келмайдиган, машинаси бўлса бор, пули, молу давлати етарли. Қўшниси ҳам кам эмас. Шундай бўлгандан кейин шу арзимаган нарсига ҳам шерикчилик қилишганига ҳайронман.

— Қўйинг майли, нима қилишса ихтиёри ўзида, — дея шеригининг гапини бўлди иккинчи жувон. — Мен ҳам қўшним билан келишиб олдим, улар «Кўзгу»га мен эса «Оила ва жамият»га обуна бўладиган бўлдим. Алмашиб ўқийверамиз. Бунинг ҳеч қийин жойи йўқ. Айтганча, ўзингиз нимага обуна бўлдингиз?

— Қизиқ гапларни гапирасиз-а қўшничон, — дея бидирлаб кетди биринчи аёл. — Ахир, Воситбек акамлани ишончаси ҳамма газета ва журналларга обуна бўлишди. Мен хоҳлаганини айтсам олиб келади-лар.

Шу пайт елкамдан кимдир туртиб, ака тушасизми, деди. Бундоқ қарасам кейинги бекат «ЦУМ». Ҳалиги йигитга бошимни қимирлатганча секин ўтирилиб, суҳбатдош аёлларга бир нигоҳ ташладим ва автобус эшиги томон сурилдим...

Р.БЕРДИЕВ

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ХЎЖАЛИК, ФИРМА РАЎБАРЛАРИ ВА ОБУНА ТАШКИЛОТЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Оила ва жамият» таҳририяти ва масъулияти чекланган «Туркистон ёшлари» жамияти 1997 йил учун «Оила ва жамият» газетаси обунасини намунали ташкил этган ташкилот, корхона, хўжалик, фирма раҳбарлари ва жамоатчи ташкилотчилар учун қўйидаги мукофотларни таъсис этади:

- I ўрин — ДЭУ телевизор
- II ўрин — ДЭУ чанг ютгич
- III ўрин — 10 минг сўм пул мукофоти

ОБУНАНИ УЮШТИРИШГА
ШОШИЛИНГ!

ЧАГАЛАЙЛАРГА ҚАРШИ ҲУЖУМ

Ё, тавба!

Чағалайлар ҳам балои азим экан. Черновице вилояти табиатни муҳофаза қилиш департаменти раҳбари Виктор Мотовилининг таъкидлашича, Днестр сув омбори ҳавзасида чағалайлар кейинги уч-тўрт йил ичида бир-неча ўн бор кўпайиб кетган. Натижада улар майда балиқларга қирон келтириб, вилоят аҳолисининг ризқини қиймоқда. Ўлжасиз қолган балиқчилар қўшлар яшайдиган қамишзорларга ўт қўймоқдалар, чағалайлар тўдасига ўт очмоқдалар. Бироқ қўшлар ҳам бўш келишмаяпти. Уларнинг балиқчиларга ҳужум қилиш ҳоллари ҳам бўлиб турибди.

Табиатни муҳофаза қилиш ташкилоти ходимлари ҳайрон: кимнинг ёнини олишсин, очкўз қўшларними ёки чорасиз балиқчиларними?



— Тавба, шунақам китоб ёзганими-а?..

Муассисларимиз:

Ўзбекистон Республикаси
Хотин-қизлар
қўмитаси, Болалар
жамғармаси ва
«Соғлом авлод
учун» Халқаро
хайрия
жамғармаси

БОШ МУҲАРРИР: Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Газетамиз бош хатиниси:
Ўзбекистон «Матбуот тарқатилиш
уюшмаси» ассоциацияси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефон: 36-56-52, 34-86-91
Урол СОДИҚ
навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Руйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0722 21597 нусхада чоп
этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табок.